



“Қадриятларинг
боқий бўлсин, Наврўз!”

Табиатнинг уйғониш тилсоли

Наврўз икки маънога кўра халқаро байрамлар сирасига киради. Биринчидан, у тўрт минг йилдан буён Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Кавказорти халқларининг баҳорни қарши олиш байрами сифатида нишонлаб келинган. Иккинчидан, 2009 йили Наврўз ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олди. 2010 йили эса БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида “Наврўз халқаро куни” деган резолюция қабул қилинди.

Худайназар ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар
университети ректори, профессор

Наврўз асрлар давомида шаклланган анъана ва қадриятларни сақлаш, келажак авлодга етказишга катта ҳисса қўшмоқда. Бу орқали эса турли авлодлар ўртасида ўзига хос “авлодлар мулоқоти” шаклланади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ўтган йиллар давомида ушбу байрам миллати, дини, урф-одатидан қатъи назар, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларга мансуб барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига айланди.

Наврўз умумхалқ байрамини университетимизда ҳам “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайллари шаклида юқори савияда кенг нишонлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун белгиланган масалалар қаторида Наврўз байрами арафасида университет ва унинг филиаллари ва техникумларида умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш белгиланди. Бу халқимизга хос бўлган анъана — она табиатни асраб-авайлашга ундайди.

Инсоният олдидаги долзарб вазифалардан бири — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқиллона муносабатда бўлиш, флора ва фауна оламини асраб-авайлаш, глобал экологик инқирозга йўл қўймасликдир. Шундай экан Наврўзи олам арафасида кўз очиб бораётган табиатни асрашга ундаш ҳам инсоний бурч саналади.

Наврўз ҳаёт абадийлигини, табиатнинг яшариш, янгиланиш қудратини, саховатини, аждодларимизнинг ўлмас мероси бўлган урф-одатларимизни, қадриятларимизни намоён этувчи байрам сифатида яшайверади.



Қўшма йиғилиш

Ўзбекистон “Адолат” СДП Ижроия қўмитаси ва партиянинг қуйи палатадаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари, Марказий аппарат масъуллари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда асосий эътибор жорий йилнинг 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ва ташаббуслардан келиб чиқиб, партия ва унинг фракцияси олдида турган устувор вазифалар муҳокамасига қаратилди.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА

партия ва унинг фракцияси олдида турган
устувор вазифалар белгиланди

2



ЎЗ НАФСИГА ҲОКИМ БЎЛИШ ОЙИ

Ғизо еб рўза улким, қилса зойил,
Ва ё нафси бўлиб шаҳватга мойил.

Каффорат олтмиш мискинга итём,
Эрур ё олтмиш кун савми ноком.

Мабодо бирор киши ғизо — овқат еб ёки шаҳватга берилиб, қасддан рўзасини бузса, бунинг учун каффорат — олтмиш мискинга таом едириши ёки олтмиш кун рўза тутмоғи зарур бўлади. Фақат шарти шуки,

олтмиш кун муттасил бўлмоғи, яъни орасини узмай рўза тутилиши ёки Аллоҳ йўлида бир қўлни озод қилиб, кўнглини шод этиши керак. “Йўқ эрса солим эрмас рўза ҳоли”, акс ҳолда рўза шариатга мувофиқ саналмайди.



Қадриятларимиз

“ЎЙНА ВА БОЙ БЎЛ!”:

Бугуннинг
муаммоси

ОНЛАЙН
ҚИМОР

НЕГА ОММАЛАШАЯПТИ?

Бир қараганда, барчаси ўзига хос, бизнинг бой бўлишимиз учун нима керак бўлса, шуни ваъда қилади: “Осон ва тез бойиш!” Аммо тўхтанг. Бу шунчаки сафсата. Аксига олиб, баъзи оммавий сайтлар ва мобил иловаларда жар ёқасида турган одамларга қаратилган реклама шиорлари ҳукмрон: “Бир ўйинда миллионер бўлиш имконияти!”, “Бугун кўпроқ тиксанг, ғолиб бўласан!”. Хўш, муаммонинг бу қадар оммалашувига қандай омиллар сабаб бўлмоқда?





КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА партия ва унинг фракцияси олдида турган устувор вазифалар белгиланди

1 Даставвал сўзга чиққан партия етакчиси Робахон Махмудова кенгайтирилган йиғилишда илгари сурилган ташаббус ва вазифалар мамлакатимизда коррупция иллатига қарши умуммиллий кураш бошланганидан далолат беришини алоҳида қайд этди. Шунингдек, жамиятда энг кўп ва қизғин муҳокама қилинадиган коррупцияга қарши курашиш масаласи илк маротаба янги форматда — кенг доирада, давлат раҳбари иштирокида қўриб чиқишлини кучли сиёсий иродани, ислохотларнинг қатъийлигини намоён қилганини таъкидлади.

— Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича унга яқин қонун қабул қилиниб, янги тизим яратилди. Қарийб чорак аср давомида эришилмаган натижаларга эришилди. Жумладан, 2017 йилда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, шунингдек, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга коррупцияга қарши курашишни кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчаларини киритилиши бу борадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштирди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро таъкидлаш билан фаол ҳамкорлик қилиши натижасида бу йўналишдаги ишлар янада кенгайтирилди, бу эса миллий қонунчиликнинг халқаро стандартларга уйғунлашувига ва самарали натижаларга эришишга хизмат қилмоқда, — деди Сиёсий Кенгаши раиси.

Йиғилишда Робахон Махмудова коррупция иллатига қарши курашиш, давлат ва жамият ҳаётида унинг ҳар қандай қўрилишига барҳам бериш масаласи бугун умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилганига алоҳида тўхталиб, бу борада давлат раҳбарининг маърузасида белгиланган аниқ вазифалар партия ва унинг парламентдаги фракцияси учун дастуруламал бўлиб хизмат қилиши кераклигини айтиб ўтди.

Шу муносабат билан жорий йилнинг апрель ойини “КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОЙЛИГИ” деб эълон қилишни таклиф этди. Мазкур ойлик доирасида партия ташаббуси билан қонун ижодкорлигида коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун жазони кучайтириш, коррупцияга қарши курашда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва инсон омилини қисқартиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги қайд этилди. Йиғилиш давомида партия ва фракция аъзолари коррупцияга қарши курашни тизимли равишда олиб бо-

риш, ёшлар онгида коррупцияга нисбатан муросасизлиқни шакллантириш каби устувор вазифаларни муҳокама қилишди.

Қўшма йиғилишда партия Ижроия Қўмитаси 5 кун муддатда давлат раҳбари маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар бўйича Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва партиянинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашилар томонидан мазкур режа ижросини таъминлашни назоратга олиши зарурлиги таъкидланди. Хусусан, жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва давлат хизматчилари орасида шаффофлик тамойилларини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли ташаббуслар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, партия Сайловолди дастурида кўзда тутилган соғлиқни сақлаш тизимида “Ақлли тиббиёт” тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш, “Электрон поликлиника” ва бошқа рақамли платформаларни жорий этиш, соҳани “коррупциядан холи” соҳага айлантириш, фармацевтика соҳаси ходимлари ва тиббиёт мутахассислари ўртасидаги яширин келишувлар ҳамда ноқонуний мулоқотларнинг олдини олиш каби вазифаларни амалга ошириш лозимлигига эътибор қаратилди.

— Ҳозирги кунда нафақат жазо чоралари, балки коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга эътибор қаратиш муҳим, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия фракцияси аъзоси Нодира Жонибекова.

— Муҳокамаларда фракциямиз томонидан мазкур йўналишда партия Сайловолди дастурига киритилган “коррупциявий жиноятларни таҳлил қилиб, жазо муқаррарлигини таъминлаш учун, жазо турларини қайта қўриб чиқиш”, “йирик лойиҳалар ва давлат тендерлари билан боғлиқ коррупцион схемаларда қатнашганлик учун мансабдор шахсларга алоҳида жазо турини жорий этиш”, “юридик шахсларнинг коррупцияга доир жавобгарлигини кучайтириш ва давлат тендерларида иштирок этишига муайян муддатга таъқиқ қўйиш” ва бошқа таклифларни қонунчиликка киритиш ва такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Коррупциявий омиллари қонунчиликдаги эҳтимолий қўрилишларини бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқишга келишиб олинди. Шу билан бирга, бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

Таъкидлаш жоизки, йиғилишда коррупциянинг олдини олиш ва унга

қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар аниқ белгилаб олинган, бу мақсадга эришиш учун, аввало, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда жамоатчилик билан яқин ва самарали ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этишга эътибор қаратилди. Шундан келиб чиқиб, тадбир давомида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурхонов партия ва Агентлик ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган меморандумни имзоладилар.

Меморандум доирасида партия турли давлат ташкилотлари ва идоралари ходимлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш йўналишида давра суҳбатлари, соҳа мутахассислари иштирокидаги учрашув, муҳокама ва семинарлар ташкил қилиш, партиянинг барча даражадаги депутатлик гуруҳлари иштирокида коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид мавжуд қонунчиликни таҳлил қилиб, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида давлат раҳбари томонидан қўйилаётган талаблар даражасида ишлаб чиқилишида иштирок этиши кўзда тутилган. Агентлик эса партияга коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро стандартларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштиришда кўмаклашиб, Коррупцияга оид жиноятлар рўйхатини шакллантириш ва бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёنларига партиянинг тажрибали фаолларини жалб қилиш каби масалаларга устувор аҳамият қаратади.

Мазкур меморандум партия ва Агентликнинг ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан бирга коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифаларни самарали ва изчил амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, йиғилишда белгилаб олинган вазифалар ва имзоланган ҳамкорлик меморандуми нафақат давлат хизматлари соҳасида, балки жамиятнинг барча қатламларида коррупцияни бартараф этиш учун янги имкониятлар яратади ва албатта, келгусида ҳам коррупцияга қарши курашишда давлатнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ислохотларга фаол ҳисса қўйиш учун жамоатчилик назорати, таҳлил ва ўрганиш тадбирларини изчил олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

— Биз “Адолат” партияси билан қонунчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат идоралари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда бу йўналишдаги таълим ва тарғибот ишларини кучайтириш каби муҳим йўналишларда фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз, — деди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурхонов. — Қолаверса, партиянинг депутатлик корпуси вакиллари билан коррупцияга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишда биргаликда ишлашга тайёرمиз. Албатта, бу кенг қамровли ҳамкорлигимизнинг айрим йўналишлари. Уларни кенгайтириш, самарадорлигини ошириш бўйича ҳали аниқ чора-тадбирларни белгилаб олишимиз лозим. Шунда ҳамкорлигимиз ҳар икки томон, асосийси, жамиятимиз учун фойдали бўлади.

Агентлик раҳбари музокаралар давомида ҳамкорлик меморандумида партиянинг улкан армияси имкониятларидан унумли фойдаланиш, бунда аҳолида коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантиришга қаратилган тадбирларга кенг жамоатчиликни жалб қилиш ҳамда Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясига ўқитишни ташкил қилишда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш вазифаларини таъминлашда самарали ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилишини маълум қилди. Шунингдек, партиянинг илмий ва экспертлик салоҳиятидан фойдаланиб, партия дастурида белгиланган энг муҳим йўналишлар ва соҳалардаги коррупциявий омиллари аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар ҳамда ўрганишлар ташкил қилинади. Энг асосийси, ҳудудлар ва соҳаларда аниқланган коррупциявий омиллари бартараф этишга қаратилган таклифларни партиянинг парламентдаги фракциясининг қонунчилик ташаббуси асосида қонун лойиҳаларига айлантиришда яқиндан кўмак кўрсатилади.

Фракция йиғилиши

Масъулияти чекланган жамиятлар фаолияти такомиллаштирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб депутатлар эътиборига иккинчи ўқишда қўриб чиқилаётган маҳкумларни ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси тақдим этилди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг жазо ўташ муддатини ўзини-ўзи тарбиялаш орқали тузатиш йўлига ўтганлигини тасдиқловчи ҳаракатларни бажаргани муносабати билан қамайтириш, шунингдек, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки енгилроғи билан алмаштириш масаласини ҳал қилиш вақтида ҳисобга олинишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган аксарият таклифлар инobatта олингани ва ҳужжат матнида акс этганлигини алоҳида қайд этишди.



Хусусан, фракция аъзоси Гулнорахон Абдувоҳидова қонун лойиҳасининг 164-моддасида назарда тутилаётган жазони ўтаётган шахслар ўзини-ўзи тарбиялаш йўли билан жазо муддатини қисқартириши учун кўплаб давлат ҳуқуқий органлари иштирокидаги имтиҳондан ўтиши, ушбу жараёнда маҳкумларга бериладиган саволлар қандай ва ким томонидан тузилишини сўраб мурожаат қилди. Маърузачи Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Эркин Ҳайитов ушбу имтиҳонни ўтказиш учун алоҳида комиссия тузилиб, саволлар тайёрлаш жараёнида унинг мазмуни, даражаси, қимлар тузиши, қийинчилик босқичи, қандай китоблар берилишини Вазирлар Маҳкамасининг махсус низомлари асосида белгиланишини маълум қилди.



ҳал этишининг муқобил усуллари медиация ёки ҳакамлик суди тартибида ҳал этиш белгиланмаган.

Мазкур қонун лойиҳасида масъулияти чекланган жамиятларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, соҳага ривожланган давлатларнинг тажрибасини жорий қилишга оид ҳуқуқий нормалар акс этмоқда.

Муҳокама жараёнида маърузачи, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Комилжон Халиковга фракция аъзоси Зухриддин Мавлонов қонун лойиҳасини қўриб чиқиш жараёнида 8-моддага “қўшимча масъулият жамият” деган тушунчани чиқариб юберишга оид ўзгаришни киритилаётганига алоҳида эътибор қаратганини айтди. Унинг таъкидлашича, қонун қабул қилинганидан кейин уч ой ўтиб кучга киради, аммо бу вақт давомида бундай турдаги жамиятлар фаолият юритаётганини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тушунчанинг чиқариб ташланиши ундирув масалаларида қандай ўзгаришларга оид келиши муимлиги муҳокамага сабаб бўлди. Шу боис, депутат Комилжон Халиковдан бу борада аниқ изоҳ беришни сўради.

— Тўғри, давлат раҳбарининг тегишли қарори билан ушбу жамиятлар уникан ташкилотлар рўйхатидан чиқариб ташланаяпти. Ушбу жамиятларни тугатиш билан уларни ўрнига бошқа ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш мумкин ёки бошқача ташкилот шаклига ўтказса бўлади. Ушбу жараён бирдан эмас, аста-секинлик билан бўлади. Бу ташкилотлар ўз хоҳиши билан ёки бошқача ташкилот номи билан ўзгариши ҳам мумкин. Қонунчиликдаги ушбу ўзгаришлар натижасида бундай ташкилотларнинг мажбуриятлари ва молиявий жавобгарлиги ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тартибга солинади, Шунинг учун ҳам жараён босқичма-босқич амалга оширилади. Шунингдек, мажбур қарздорлик ва мажбуриятлар доирасида ундирув механизми адлия органлари томонидан аниқ тартибга солинади, — деди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи К. Халиков.

Шу тариқа суд ҳужжатлари ва молиявий муносабатларда ҳеч қандай ҳуқуқий бўшлиқ юзага келмаслигига кафолат бериш мақсад қилингани таъкидланди ва қўллаб-қувватланди.

Қизғин баҳс-мунозаралар ва муҳокамаларда фракция аъзолари бошқа қонун лойиҳаларини ҳам қўриб чиқиб, баъзиларини такомиллаштириш юзасидан қонун ташаббускорларига ўз фикрларини билдиришди.

КОРРУПЦИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАН БОШЛАНАДИ

Коррупцияга қарши курашиш масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири саналади. Буни Президентимиз раислиги ва халқ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши мисолида ҳам кўриш мумкин.

**Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси**

Хусусан, охири етти-саккиз йил давомида Президентимиз томонидан жамиятда энг кўп ва қизгин муҳокама қилинадиган коррупцияга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик базаси такомиллаштирилди, парламент палаталарида ушбу йўналишга масъул бўлган кўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти ташкил этилгани қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижасини берди.

Эришилган натижаларимизга яққол мисоллардан бири, бу Ўзбекистоннинг очиклик бўйича халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланганлигидир. Жумладан, Ўзбекистоннинг “Open Data Watch” ташкилотининг “Open Data Inventory” очик маълумотлар рейтингда ўрни 138 поғонага яхшиланиб, Марказий Осиёда биринчи, дунёда ўттизинчи ўринга кўтарилди.

Яна бир муҳим янгиллик, бу очиклик сиёсатининг ҳаётиимизга изчиллик билан татбиқ этилганлигидир. Саккиз йил олдин давлат идораларига қорғозбозликсиз, раҳбарларнинг қош-қовоғига қарамасдан мурожаат йўллаш орсусини ўйлаб ҳам кўрмагнимиз. Бугун қанчадан-қанча давлат хизматлари рақамлаштирилиб, юзлаб ортиқча маълумотларни сўраш амалиётига барҳам берилди.

Биргина мисол, ерни ҳоқим қарори билан ажратиш амалиётидан тўлиқ воз кечилиб, бу амалиётнинг аукцион тизимига ўтказилганлигидир. Биринчидан, олдинлари ҳоқимиятда ёки ка-дастрда танишингиз бўлмасин, ёки қўлингизда каттароқ маблағингиз йўқ бўлса уй-жой қуриш ва деҳқончилик учун ер олиш имконсиз эди. Иккинчидан, фуқаролар ер учун тўлаган маблағларнинг аксарият қисми қайсидир амалдорнинг чўнтагига бориб тушарди. На давлатга, на фуқарога фойда бўлмаган.

Энди-чи, ерлар аукцион тизими орқали ажратилиши натижасида ўтган йилнинг ўзида бюджетга 4,5 триллион сўм маблағ тушди. Ушбу маблағлар бюджетга келиб тушиши, фуқароларимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган минглаб ижти-

мой лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Президент топшириғи билан инвестиция дастурлари устидан назорат қўйирилганидан кейин ўтган йилнинг ўзида 3 триллион сўм иқтисод бўлган. Ёки соғлиқни сақлаш тизимида “Ситуацион марказ” ишга туширилгани ҳисобига 2024 йилда 1,2 триллион сўмлик мақсадсиз харажатларнинг олди олинган. Солиштириш учун айтиш мумкинки, тиббиёт соҳасида иқтисод қилинган ушбу маблағга ўрта ҳисобда 100 та мактаб ёки 200 га яқин боғча қуриш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, юртимизда коррупциясиз муҳит яратиш бора-сида эришилган ижобий натижалар ҳақида минглаб мисоллар келтириш мумкин. Ютуқлар ўзимизники, аммо ҳали ишга солинмаган имконият ва вазифалар ҳам талайгина. Уларни амалга ошириш эса мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, фуқароларимизнинг янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлардан розилик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, Президентимиз томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида бир қатор устувор вазифа ва ташаббуслар илгари сурилди. Ушбу ташаббуслар давлатимиз раҳбарининг коррупцияга қарши курашишда ташаббускор ва ислохотчи, давлатчиликни мустаҳкамлаш борасида узққни кўрувчи давлат арбоби эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркиби тўлиқ янгиланиб, уларга илгаригидек ҳоқимлар эмас, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раислари раҳбарлик қилиши тақлиф этилди. Ҳудудий кенгашлар коррупциявий омиллари аниқлаши, уларга барҳам бериш учун қайси қонуни ўзгартириш зарур, деган саволларга жавоб топиши кераклиги таъкидланди.

Албатта, бундай муҳим Кенгашга халқ вакили бўлган депутатларнинг раҳбарлик қилиши жойларда коррупция билан боғлиқ ҳолатлар назоратини янада кучайтиришга хизмат қилади. Сабаби, маҳаллий Кенгаш ра-



иси ортида бутун бошли депутатлар корпуси турибди. Ҳар бир депутат ўз ҳудудида бу борада мунтазам назорат олиб бориши учун қонунчиликда барча ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилган. Қолаверса, эндиликда Кенгашлар ҳар чоракда камида битта соҳада коррупциявий омиллари бартараф этиш, қонун устуворлиги, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга тақлиф киритиб боради.

Таъкидлаш лозимки, бугун жойларда “Инсон” ижтимоий марказлари ҳамда “маҳалла еттичилиги”нинг ташкил этилиши камбағаллик, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик бўйича ислохотлар ҳар бир инсонга етиб боришини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аммо таҳлилларга эътибор қаратилса, кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан жойлардаги 30 фоиз маҳалаларда ҳамон жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар юқорилигича сақланиб қолаётганини гувоҳ бўламиз.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий йўналишдаги ишлар энди туман ва маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш, коррупциянинг олдини олиш бўйича ҳам жорий қилиниши айтиб ўтилди. Сабаби, жиноятчилик жолови маҳкам бўлган, хавфсиз жойга инвестор кўпроқ маблағ киритади, одамларимизнинг давлатга ишончи ортади.

Бунинг учун тизимли равишда жиноятчиликка қарши курашиш ҳафталиклари ўтказиб борилади. Парламентдаги масъул кўмиталар маҳаллагача тушиб, ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва омиллари аниқлаб, туман, вилоят прокурорлари ва ички ишлар бошлиқларининг олдига аниқ вазифалар қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз бошчилигида коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар натижаси таҳлил қилиниб, задалдаги вазифаларнинг белгиланиши, мамлакатимизда бу борада бошланган ислохотлар ҳеч қачон ортга қайтмаслигини далолатдир. Энди янги Ўзбекистонда коррупцияни бартараф этиш эмас, унинг олдини олиш муҳим вазифа бўлади.

“Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг иш услуби ўзгартирилиши белгиланди. Бунинг учун, тажриба тариқасида 5 та – Соғлиқни сақлаш, Қурилиш, Сув ҳўжаллиги вазириликлари, Нефтегаз ва Суваъминот жамиятларининг комплаенс назорати агентликлари ўтказилади.

Шунингдек, туманлар даражасига тушиб, маиший ва тизимли коррупция омиллари чуқур ўрганади. Таҳлиллар асосида аниқ чораларни ишлаб чиқиб, Миллий кенгашга тақдим этади.

Коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маиший коррупция шаклида содир этиляпти. Шу боис энди Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркиби тўлиқ янгиланади. Уларга вилоят халқ депутатлари кенгаши раислари бош бўлади.

Ҳудудий кенгашлар коррупциявий омиллари аниқлаб, уларга барҳам бериш учун қонунчиликни ўзгартириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга тақлиф киритади.”

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича
Миллий кенгаш йиғилишидан**

Яна бир муҳим ташаббус – халқимиз ва жамоатчилик фаоллари томонидан узоқ кутилган мавзу – давлат хизматчилари даромадини декларациялашга оид қонунни қабул қилишни тезлаштириш тақлифидир. Президентимиз мутасаддиларга тез фурсатда ушбу қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига қўйиб, 1 апрелгача киритишни топширди.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда ноконуний бойлик орттириш учун жавобгарлик масаласини ҳам кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Яъни, давлат хизматчиси декларация қилган даромадига мос келмайдиган мол-мулкни қаердан олганини исботлаши керак бўлади. Шу боис, бу борада халқаро андоза ва нормаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан бири. Мазкур иллат ҳар қайси жамиятнинг маънавий ва иқтисодий пойдеворини емиради, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига путур етказади. Шу боис, унга қарши кураш – бу фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси эмас, балки бутун жамиятнинг фаол иштироки талаб қилинадиган умуммиллий ҳаракатдир.



**Нурлибой ҚАЙПБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши
раиси**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани бежиз эмас. Президентимиз раҳбарлигида қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар, жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши, шаффофлик ва ошқораликни таъминлашга қаратилган ташаббуслар коррупцияга қарши курашдаги қатъий сиёсий ироданинг ёрқин намунасидир. Сўнгги йилларда бу иллатга қарши кураш бўйича муҳим қарор ва фармонлар қабул қилинган, давлат идораларида комплаенс-назорат тизимининг жорий этилаётгани ва рақамли технологиялар орқали бюрократик тўсиқларни камайтиришга қаратилган ишлар амалга оширилаётгани бу борадаги сазй-ҳаракатларнинг узвийлигини кўрсатади.

Жорий йилнинг 5 март куни ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши янги босқични бошлаб берди. Ушбу йиғилишда давлат раҳбари томонидан коррупциянинг сабабларини бартараф этиш, ҳуқуқий база ва жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш, жамият онгини ўзгартириш каби бир қатор долзарб вазифалар белгилан берилди.

Мазкур йўналишда партиянинг фаол иштироки, унинг парламентдаги фракцияси олдида турган вазифаларни аниқ белгилаш мақсадида 11 март куни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳамда унинг Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда мамлакат миқёсида коррупцияга қарши курашишда партиянинг ўрни, жамоатчилик назоратини кучайтириш, қонунчиликни такомиллаштириш ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш учун апрель ойини “КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОЙЛИГИ” деб эълон қилиниши алоҳида эътиборга моли. Ойлик доирасида ташкил этиладиган тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот ишлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда ўтказиладиган мониторинглар бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлади, деб ҳисоблайман.

Коррупцияга қарши кураш ва миллий тараққиёт масаласи — юрт тақдири, мамлакат келажаги учун ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Сабаби юртимиз аҳолиси мустамаклачилик даврида йўқотилган моддий ҳамда маънавий бойликлар ўрнини қайта тиклаш, иқтисодийётни ривожлантириш, миллий ўзликни асраш йўлида кечаю кундуз меҳнат қиладиган давр келди.

Умуман, коррупциянинг олдини олишда жамоатчилик иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу иллат фақат жазолар орқали тўхтаб қолмайди, балки уни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этиш муҳим. Айнан шу нуқтаи назардан, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ушбу жараёндаги иштироки кучайтирилмоқда. Биз коррупцияга қарши курашишни фақат давлат сиёсати даражасида эмас, балки ижтимоий онг даражасида ҳам мустаҳкамлашимиз керак. Жамиятда ҳақиқат ва ҳалоллик тамойиллари қарор топганда ва қонун устувор бўлгандагина адолатли ва ривожланган давлатни барпо этамиз.

Тарихга назар соладиган бўлсак, коррупция иллати энг қудратли ва энг кучли давлатларни ҳам жар ёқасига олиб келиб, охир-оқибат уларни пароканда қилганига гувоҳ бўламиз. Бир сўз билан айтганда, коррупция улкан офат бўлиб, ниятларни пайхон қиладиган, орзуларни топтайдиган, адолат илдизига болта уриб, инсон қаддини букиб қўйишга қодир ички душман ҳисобланади.

**Ботир ДАМИНОВ,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши депутати**

Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши йиғилишида иштирок этган давлатимиз раҳбари бир қатор муҳим масалалар хусусида фикр юритди. Шунингдек, келгуси вазифалар белгилан олиниб, кўплаб ташаббуслар илгари сурилди.

Айни вақтда коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маиший коррупция шаклида содир этилмоқда. Шу боис, эндиликда коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркиби тўлиқ янгиланиши ва уларга халқ депутатлари Кенгашлари раислари бош бўлиши таъкидланди. Дарҳақиқат, мазкур иллатнинг катта ёки кичиги бўлмайди. Унинг кичиги ҳам жамиятимиз ва Ватанимиз эртаси учун яқунда катта хавф туғдиради. Шундай экан, энг қуйи бўғинларданоқ коррупцияга қарши курашишимиз ва барчамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилишимиз даркор.

Президентимизнинг фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида ҳалоллик ғояларини сингдириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш хусусида билдирган фикрлари, айниқса, барчамиз учун дас-



туруламал бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Эртамиз эгалари бўлган фарзандларимизга бу иллатнинг хавфи эканини ёшлигиданоқ сингдириб боришимиз жоиз.

Муҳтасар айтганда, коррупция — тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи жиноят. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнинггина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

Адолат ҳалоллик, тўғрилиқ, софдиллик, самимийлик, иймон сўзлари билан уйғундир. Буюк бо-бокалонимиз Амир Темур ҳам ҳалоллик, ростгўйликни ички ва ташқи сиёсатни юргизишда, оила тарбиясида, дину диёнатга риоя этишда бош қадрият деб билган. У кишининг тузуқларида “Рости русти”, деган ёзув ҳам “Куч адолатдадир” деган маънони ифода этган. Дунёдаги барча катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохот ҳамда ўзгаришлар айнан адолат ва ҳалолликдан бошла-нади.

**Акмал ҲАЙИТОВ,
халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши
депутати**

Давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида кейинги йилларда судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича катта ислохотлар амалга оширилганлигини, судьяларни мажлисга чақириш, уларга воқалотида кирмайдиган вазифаларни юқлаш ҳолатлари ҳамон учраб турганини, айрим идоралар томонидан судга таъсир ўтказишга уринишлар ҳали-ҳануз давом этаётганини кўрсатиб ўтди. “**Барча раҳбарларни қатъий озоҳлантираман. Судлар фаолиятига ҳар қандай аралашш оид суд-ловга соя солиш, деб баҳоланади. Бу бўйича сўров ҳам, жавобгарлик ҳам қаттиқ бўлади**”, — деди Президент.

Шунингдек, йиғилишда одил судловни амалга оширишда адвокатлар ўрни, адвокатларга ҳимоясидаги фуқарога ўз вақтида ҳуқуқий ёрдам кўрсата олишлари учун имконият яратиш кераклиги қайд этилди. Мутасаддиларга уч ой ичида сифатли юридик ёрдам кўрсатилишида адвокатлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган омиллари бартараф этиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди. Ҳозирда қонунчиликда коррупциявий жиноятларнинг аниқ рўйхати йўқлигига эътибор қаратилди. Парламент тасдиқлаган қонунга асосан жазони кучайтиришнинг ўзи билан чекланиб қолингани, коррупциянинг олдини олиш, одам-

ларимизни бунга тоқатсизлик руҳида тарбиялаш, профилактика механизмларини яратиш, жиноятни фош этишга ёрдам берганларни рағбатлантириш каби масалалар акс этмагани кўрсатиб ўтилди.

Бундан кейин коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар пул муқофоти билан тақдирланиши ёки коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган шахс қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат муқофотига ҳам тавсия этилиши мумкин. Бу ислохотлар юртимизни коррупциядан холи жамиятга айлантиришга хизмат қилади.





ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИ 40 МИЛЛИОН

КИШИГА ЕТИШИ КУТИЛМОҚДА

Кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш қонун билан тартибга солиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Тарихий демографик жараёнларни илмий жиҳатдан ўрганишни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистонда ҳам аҳолини рўйхатга олиш ишлари 2025-2026 йилларда ўтказилиши режалаштирилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 март куни имзолаган 114-сонли қарорида аҳолини рўйхатга олишнинг барча қоидалари, фуқаролар, уй хўжаликлари, корхоналар ва муассасаларнинг қайси тоифалари рўйхатга олиниши, аҳолини рўйхатга олишни ким ўтказиши, сўров варақалари қандай бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, аҳолини рўйхатга оладиган ҳисобчиларни ёллаш қоидалари, уларнинг хизмат вазифалари ҳамда аҳолини рўйхатга олиш қоидалари кўрсатилган.

Раҳимжон ЮСУПОВ,
Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети доценти,
Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист

Ҳар бир мамлакат вилоят, шаҳар ёки туман аҳолиси тўрисида фикр юритиш учун аҳоли сони, ёши, жинсий, миллий, диний таркиби, аҳолининг туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш, никоҳдан ўтиш ёши, ажралишлар тўғрисида маълумотлар зарур бўлади. Бундай маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш жараёнида ўрганилади. Ҳар бир мамлакатда одатда бир йилда қанча одам туғилади, қанча одам вафот этади, аҳоли сони ўсиш микдори неча минг ёки неча миллион кишини ташкил этади, қанча аҳоли кўчиб келгани ва кетганлиги ҳар йили вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари ва статистика агентликлари томонидан ҳисобга олиб борилади. Аҳолини ўрганиш асосан икки йўл билан амалга оширилади: биринчиси – аҳолини ҳисобга олиш, иккинчиси – аҳоли рўйхати. Аҳолини ҳисобга олиш ҳар йили туғилганлар, ўлганлар, келганлар ва кетганлар сони билан аниқланади.

Аҳолини рўйхатга олиш кенг миқёсда олиб борилади. Аҳолини рўйхатга олишда маълум дастур асо-

сида аҳолига доир барча маълумотлар йиғилади. Масалан, хонадонда неча киши яшайди, уларнинг туғилган йили, ойи, кунни, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, миллати, она тили, ижтимоий ҳолати, фарзандлар сони, ёши ва умуман, аҳолига доир барча маълумотлар чуқур ўрганилади. Аҳолини рўйхатга олиш одатда кўп мамлакатларда ҳар беш ёки ўн йилда ўтказилади.

Ўзбекистонда илмий адабиётларда "тарихий демография" тушунчаси ўтган асрнинг 50-йилларининг охирида пайдо бўлган. Тарихий демографиянинг бир қатор назарий муаммолари, тарих ва демографик фанларнинг ўзаро таъсири айрим жиҳатларини ўрганиш эса XX асрнинг 60-80-йилларидан бошланган. Айни замонда тарихий демография, илмий фан, тадқиқот объекти сифатида ўрганилади, демографик тарих эса – инсоният ривожланишининг ташкилий қисми бўлиб, ижтимоий-тарихий жараёнларнинг сифатини ташкил этади. Демографик тарих ўз номида акс этган икки фанни ўрганиш

чорраҳасида жойлашган ва шунинг учун ҳам демография фанининг бир бўлими ва айни пайтда тарихий билимларнинг ҳам бир тармоғидир. Шу билан бирга, унинг предмети ва тадқиқот усуллари аниқлашда устуворлик демографияга тегишли. Тарихий демография бутун демографик фан билан бир хил жараён ва ҳодисаларни тадқиқ қилади, лекин уларни тарихий ретроспективда ўрганишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон аҳоли сони жадал ўсиб бораётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Сўнгги 33 йил ичида Ўзбекистонда аҳоли сони 16 миллионга кўпайиб, жами аҳоли сони 37 миллиондан ошди. Эндликда юртимиз аҳолиси йилига 1 миллионга кўпаймоқда. Айтиш жоизки, мамлакатда туғилиш кўрсаткичлари баланд. 2030 йилга бориб, Ўзбекистон аҳолиси 40 миллион кишига етади ва бу Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг деярли ярмини ташкил қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурига 25 та савол киритилган. Аҳолини рўйхатга олишнинг аввалги жараёни билан солиштирганда туғилган жойи, касб-хунар таълими муассасасини тамомлаганлиги, турмуш шароити тўғрисидаги янги саволлар киритилди ва бошқа айрим саволларнинг матни ўзгартирилди.

Президентнинг юқоридаги қарорида 2024 йил давомида Статистика агентлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга тайёргарлик қўриши, жумладан, аҳолини рўйхатга олишни аҳолининг кенг оммасига тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун видеоролик, баннер, флайер ва буклетлар тайёрлаши, 2021 йилда аҳолини рўйхатга олиш бўйича ўтказилган синов натижалари ва халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида аҳолини рўйхатга олиш саволлари шакллари тақомиллаштириш ишларини амалга ошириши белгиланган.

Маълумки, мустақил мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш биринчи бор ўтказилаётганини ҳисобга олиб, 2021 йилда "Ўзбекистоннинг бир қисми бўл" шиори асосидаги бу тадбир икки босқичда ўтказилган эди. Яъни, биринчи босқичда 1-10 ноябрь кунлари фуқаролар ихтиёрий равишда ва интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтиши белгиланди, иккинчи босқич – 11 ноябрдан хонадонларда рўйхатга олиш ишлари олиб борилди. Аҳолини рўйхатга олиш учун сўровномага 53 та савол киритилди. Маълумотлар дахлсизлигини таъминлаш учун Самарқанд вилоятининг Нарпай ва Жомбой туманларидан бошқа барча ҳудудларда статистика бўлимларининг бинолари ва архив хоналари ташкил этилди. Бундай тайёргарлик ишлари республиканинг барча ҳудудларида олиб борилди. Масалан, 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари

**Аҳолини
рўйхатга олиш
дастурига
25 та савол**

**киритилган. Аҳолини
рўйхатга олишнинг
аввалги жараёни билан
солиштирганда туғилган
жойи, касб-хунар
таълими муассасасини
тамомлаганлиги,
турмуш шароити
тўғрисидаги янги
саволлар киритилди ва
бошқа айрим саволларнинг
матни
ўзгартирилди.**

Андижон вилоятининг Хўжабод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилди.

Рўйхатга олиш жараёнлари 3 хил усулда, яъни интернет тармоғи орқали, планшет ва қоғоз усулларида ташкил этилди. Синов жараёнларида планшет усулида аҳолини рўйхатга олиш қоғоз усулига нисбатан қулайлиги, тезкорлиги ва иқтисодий жиҳатдан самаралироқ эканини кўрсатди.

Аҳолини рўйхатга олиш варақасидан фақат натижаларни умумлаштириш учун фойдаланилади. Шу сабабли синов натижалари ва илғор давлатлар тажрибалари асосида рўйхатга олиш жараёнларини қоғоз усулидан воз кечиб, интернет тармоғи орқали ва планшет қурилмаларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтказиш устида иш олиб боришмоқда. Дарҳақиқат, асосий тадбирни мукамил ва сифатли ўтказиш учун Статистика агентлиги томонидан тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Статистика агентлиги халқаро тажриба ва экспертларнинг тавсиялари асосида "Аҳолини рўйхатга олиш" ахборот тизимини тақомиллаштириш ва рўйхатга олиш натижаларининг чиқувчи жадваллари намуналарини шакллантириши, шунингдек, аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режасини ишлаб чиқиши керак. Шу боис аҳолини рўйхатга олиш 2025-2026 йилларда ўтказилиши, натижалари эса 2026-2027 йилларда тайёрланиши ва эълон қилиниши режалаштирилган.

Хуллас, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилиши ниҳоятда долзарбдир. Илмий жиҳатдан бу тадбир мамлакат тарихий-демографик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, келгусида халқаро ҳамжамият томонидан ўрганилади.

Қутлаймиз!

Хунаридан барака топган аёл

Юртимизнинг ҳамма нукталарида аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу маънода маҳаллаларда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб тобора ошиб бормоқда. Маълумотларга кўра, маҳаллаларда темирчилик билан шуғулланаётган маҳаллий хунарымандлар бугунги кунда қўшни давлатларга йилига 1,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт ҳам қилишмоқда.

Дилафрўз РАҲМАТОВА,
"Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгаши
бош мутахассиси



Ана шундай тадбиркорлардан бири Шўрчи тумани "Бўстон" маҳалласида истиқомат қилувчи яқка тартибдаги тадбиркор, темирчи-уста аёла Қизлархон Тошпўлатовадир. У ўз фаолиятида энг оғир касб, катта меҳнат талаб қилувчи темирчиликни касб қилган кам сонли аёлларимиздан бири. Темирчилик хунари Қизлархон опанинг қонига синган. Қаҳрамонимиз хунарни отаси Эшбой акадан болалигиданоқ кунт билан ўрганган.

– Саккиз йилдан буён мустақил равишда иш юритиб келаман. Бугунги иш фаолиятимиздан барча мамнун, – дейди Қизлархон Тошпўлатова. – Айни пайтда 10 та иш ўринларини яратганман. Мазкур хайрли ишларни амалга ошириш натижасида "Уста-шогирд" анъаналари асосида яна 10 та қўшимча иш ўрни яратишни режалаштирганман.

Қизлархон опа Халқаро хотин-қизлар куни арафасида "Шўхрат" медали билан тақдирланди. Шу муносабат билан партиянинг Шўрчи туман кенгаши фаоллари Қизлархон опанинг хонадонига бориб, мукофот билан қутлашди ва тадбиркор аёлни "Адолат" партиясига аъзоликка қабул қилишди.

Биз янги сафдошимиз Қизлархон Тошпўлатовани юксак мукофот билан табриклаймиз ҳамда келгусидаги ишларида уакан ютуқлар тилаймиз!

Давра суҳбати

Ҳаёт йўлини танлаётган ёшлар

Ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтириш долзарб вазифа. Шу сабаб бу ишга жамоатчилик институтлари ҳам эътибор билан қарамоқда.



"Адолат" СДПнинг "Ватан келажаги ёшлар кўлида" лойиҳаси доирасида халқ депутатлари Избоскан туман кенгаши депутати Дилфуза Аҳмедованинг тумандаги 30-умумтаълим мактаби битирувчилари билан давра суҳбати шу мақсадга қаратилди. Депутат тадбир қатнашчиларига бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган ишлар, Президентимизнинг яқинда фаол ёшлар билан учрашуви келажақ авлод учун катта имкониятлар эшигини очгани ҳақида сўзлаб берди. Битирувчи йигит-қизлар ўз ҳаёт йўлини тўғри танлаши, касб танлаш масаласига масъулият билан қараши заруралигини таъкидлади.

Тадбир ёшларни фаолликка бошлади. Кимдир олийгоҳда ўқишни давом эттириш истagini билдирса, кимдир тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилганини айтди. Асосийси, аксарият битирувчилар ўз келажагига бефарқ эмас. Ҳаёт йўлини танлаб угурурган.

– Фарзандларимиз билан қанча фахрланасан арзийди. Янги Ўзбекистоннинг ёшлари фаол, ташаббускор ва интилувчан, – дейди халқ депутатлари Избоскан туман Кенгаши депутати Дилфуза Аҳмедова. – Маълум бир касб эгаси бўлиш билан бирга ўз олдига юртимиз тараққиётига ҳисса қўишини мақсад қилганликлари бизни қувонтирди. Бу Ўзбекистонимизнинг келажаги янада порлоқ бўлишини кўрсатади.

Давра суҳбати якунида "Менинг Конституциям" мавзусида викторина ўтказилди. Битирувчи ёшлар Конституциямизни қанчалик билишларини синовдан ўтказдилар. Фаол иштирокчилар "Адолат" СДП туман кенгаши томонидан тақдирланди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

КУТИШ БУ – АЗОБ...

Мен ҳамиша ўзимни бахтиёр сезаман.
Биласанми нега?
Чунки мен ҳеч қачон, ҳеч кимдан, ҳеч нарса қутмайман!
Кутиш бу – азор.
Ҳаёт қисқа...
Шундай экан, ўз ҳаётингизни севинг...
Ҳамиша кулиб боқинг. Гапиришдан олдин тингланг.
Ёзишдан олдин ўйланг. Пулни сарфлашдан олдин ишлаб топинг. Аразлашдан олдин кечирини билинг.
Оғритишдан олдин оғриқни ҳис қилинг. Нафратла-
нишдан олдин севинг. Ўлишдан олдин – яшанг...

УЛЯМ ШЕКСПИР



ЎЗ НАФСИГА ҲОКИМ БЎЛИМ ОЙИ

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг “Сирожу-л-муслимин” асарида ислом арконлари оҳорли назмий талқин этилади. Асарнинг алоҳида бир боби “Исломнинг тўртунчи рукниким, рўзадур – савм этмак” деб номланади. Араб тилидан олинган “савм” сўзи “тийи-лиш” маъносини англатади.

Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори

Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасидаги рамозон рўзаси фарз бўлгани ҳақидаги оятда: “Шоядки, тақводор бўлсангизлар”, дейилганига кўра, рўзадан мурод – тақво. Ҳазрат Навоий ҳам масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида урғу беради: **Эрур тўртунчи рукн исломнинг савм – Ки, ўтгай кимсага тақво била яем.**

Чу рўза фарз бўлди йилда бир ой, Анинг ижросида бўл нафсфармой.

Яъни, кунни тақво билан ўтказиш исломнинг тўртинчи рукини бўлган рўзанинг асосий шартидир. Бир йилда бир ой – рамазонни шарифда тутиладиган рўзада нафсфармой – ўз нафсига ҳоким бўлиши инсон учун фазилатдир. Рўзанинг ҳукмлари, рўзада фарз саналган ният тунда, тонг отмай туриб қилиниши афзал экани, нафл рўзада ниятни тушгача қилинса

ҳам жоизлиги ҳақидаги мисралар илмий ҳақиқат лўнда ва аниқ ифодалангани жиҳатидан қимматлидир. Шундан кейин муаллиф рўзани бузмайдиган амаллар: чивин, пашша каби майда нарсаларнинг томоққа кириши, идрокли одам туз, сиркага ўхшаш нарсаларни тил учи билан тотиши, ҳижома – қон олдириш билан рўза очилмаслиги ҳақидаги ҳукмларни баён этади. Бундан ташқари, рўзадор она томоғидан ўтказмай, фақат оғзида боласига нон чайнаб бериши рўзани бузмаслиги айтилади. Лекин: **“Вале билмак керактур ани макрух, Керак макруҳдин хотирда андух”**. Яъни, бунинг макруҳлигини ёдда тутиш, эҳтиёт бўлмоқ зарур.

Унутиб гар есанг, ичансг эмас ғам, Эрур ул рўза боқий, эй мукаррам.

Рўзадор ноҳос унутиб еб ёки ичиб қўйса, ҳечқиси йўқ, рўза бузилмайди. Бу рўзадорга Аллоҳнинг икромиди, деб қабул қилиниши зарур.

Ушбу бобда **“Фавт бўлган рўза эвази ва каффорати”** хусусида ҳам сўз боради. Каффорат – шариатга зид бирор иш содир этилса, бунинг

учун жарима сифатида эваз берилиши маъносини англатади.

Агар бекбоқлик ойини туздунг, Ғизонинг ғайри бирла рўза буздунг.

Қазоси бирга бирдин ортуқ эрмас, Фузунга шаръ рухсат, билки, бермас.

Агар бекфарқлик билан озуқа бўлмайдиган нарсалар билан рўзани бузган бўлсанг, унинг қазоси учун ҳар бир кунига бир кун рўза тутмоғинг зарур. Ундан ортиқ эмас. Чунки шариат ортиқча ишга буюрмайди.

Ғизо еб рўза улким, қилса зойил, Ва ё нафси бўлиб шаҳватга мойил.

Каффорат олтмиш мискинга итмом, Эрур ё олтмиш кун савми ноком.

Мабодо бирор киши ғизо – овқат еб ёки шаҳватга берилиб, қасддан рўзасини бузса, бунинг учун каффорат – олтмиш мискинга таом едирлиши ёки олтмиш кун рўза тутмоғи зарур бўлади. Фақат шарти шуки, олтмиш кун муттасил бўлмоғи, яъни орасини узмай рўза тутилиши ёки Аллоҳ йўлида бир қулни озод қилиб, кўнглини шод этилиши керак. **“Йўқ эрса солим эрмас рўза ҳоли”**, акс ҳолда рўза шариатга мувофиқ саналмайди.

Ушбу фикрлар ҳазрат Алишер Навоий рўзанинг шаръий аҳқомларини назмда мукаммал бадий талқин этгани исботидир. Буюк шоир талқинлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

Адабиётимиз заҳматкашлари

“Турналардай урмоқ қасдида...”

Вақт шамолдек бошимиз узра елиб турибди. Бугун яна Наврўз арафасидамиз. Бир зум ўтган кунга, шамолдек ўтиб кетган йилларга хаёлан қайрилиб олиб, азиз инсонларимиз, қалбимизда ёруғ излар қолдирган дўстларимиз эсимизга тушади. Шу дамда карманалик хассос шоир Одил Ҳотамни эсларканман, уч унутилмас хотира кўз олдимдан ўта бошлади. Аниқ-тиниқ. Қарангки, мен бу олийжаноб инсон, ўзига хос шоир, журналист билан ҳаётда бор-йўғи уч мартагина учрашган эканман. Лекин учаласи ҳам бир зум олдин содир бўлгандек, эсланимдан кўнглимни ёритиб юборди.

Турсун АЛИ, шоир

Биринчи хотира. Талабаликнинг олтин дамлари... Одил акани талабалик йиллари илк бор кўрганман ва қисқа суҳбатдош бўлганман...

Бир кун шоир Йўлдош Эшбек, Талабалар шаҳарчасида эканмиз: “Турсунали, юринг шу ётоқхонага кириб чиқайлик! Бунда Одил Ҳотам туради, кўриб чиқамиз”, деди.

Одил ака кўрпага бурканганича, оқ дурра билан бошини ўраган, маржон-маржон терлаб ётар экан, ўнғайсиз ҳолатда биз билан кўришди. Салом-алиқдан сўнг қаттиқ шамоллаб қолгани, дори ичиб ётганидан сўзлаб, охирида бундай кутиб олгани учун хижолат тортиганидан бўлса керак, кишига ёқимли бир таассурот қолдирадиган самимий алфозда узн сўради. Уни биринчи марта кўриб турган бўлсам ҳам иккимизни ўзига нақадар яқин олиб, одил билан муносабатда бўлгани, дўстларга жуда меҳрибон эканлигидан хурсанд бўлиб кетдим.

Ўтган асрнинг 70-йилларида “Гулистон” журналида Алишер Ибодinov, Хайридин Султонов, Олим Отахонов, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Абдулла Шер, Сулаймон Раҳмон каби катта ижодкорларнинг дастлабки асарлари нашр этилиб, ўқувчилар қалбидан жой олган эди. Шундай ижодкорлар қаторида Одил Ҳотамнинг ҳам ёрқин ва янграқ овози эшитилиб турарди. У олийгоҳни би-

тиргач, юртига йўл олди, туман газетасида ишга жойлашди. Мен ўшандаёқ унинг Карманадан туриб таралган шеърий овози республикамиз бўйлаб янаям юксак ва ичкин оҳангда жаранглашини эшитиб мароқланган эдим.

Иккинчи хотира. Бир кун Вафо Файзуллох:

– Турсун Али ака, ўғлимни уйлантиряпмиз. Карманага тўйга борасиз, – деди қатъий оҳангда.

– Ҳўп, – дедим.

Нурота чашмасидан ўтарканмиз, бу бетакор зияратгоҳга бир гал Оқтов ва Қороват тоғлари оралаб келганимизни, бу гал эса Нурота тизма тоғларини ёриб келганимизни ўйладим. Барча йўллар Парижга элтади дейилгандек, Зарафшон воҳасида барча йўллар Нурота чашмаси зияратгоҳига олиб келаркан-да.

Оқшомги никоҳ базми Кармана марказидаги тўйхонада бошланди. Ўзбекнинг тўйи яхши-да, барча яқинлар жам бўлади, кўз-кўзга тўқнашади, юрак меҳр улашади. Навоий вилояти ижодкорлари тўйхонада. Пешқадам шоир Одил Ҳотам, Ўзбекистон уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари Бахриддин Садриддинов, истезодли шоир Шойим Шерназар ва пойтахтдан ташриф буюрган ижодкорлар бир-бирига сўз бермай, роса шеърхонлик бўлди-ей.

Мен Одил Ҳотам билан юртида кўришганимдан, ижоди ва адабиёт ҳақида қисқа бўлса-да, суҳбат курганимдан, айнаи шеър ва шуур даврасида шодлигим ичимга сиғади. Кармана кенгликларига юрагим тўлиб-тошди. Шоирнинг “Карманам” шеърида тасвирланган манзара руҳиятимни яйратди. Ҳозир ҳам шу шеърдан бир парча ўқимасам, бу замин ва унинг одамлари ҳақидаги тасаввурим кемтик бўлишини ҳис қиялпман.

Яратган кудрати, тарих эҳсони, Ҳикматлар макони еру осмони. Миллатим жавҳарин сергак посбони, Гоҳ ғаний, гоҳида ғариб, Карманам, Шарифлар учида шариф Карманам.

Кундузин зулматдан фарқи қолмаса, Куёшин кутмоққа шарқи қолмаса, Қилчич қайрашга чархи қолмаса, Энг сўнгсга афсона – ўтинч, Карманам, Юрагин сўгурган қилчич, Карманам.

Учинчи хотира. Шоирнинг “Хирмон” номли “Муҳаррир” нашриётида чоп этилган 600 бетли “Сайланма”сини олиб варақлайман, ўқийман. Китоб муқовасининг ички тарафида қачон олганимни ҳам ёзиб қўйган эканман: 2022 йилнинг 4 ноябри, жума кун. Шу санага кўзим тушиши билан яна бир азиз, унутилмас анжуман кўз олдимда жонланади. Айни шу санада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносининг катта залида ушбу “Сайланма”нинг тақдими бўлган эди. Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос, моҳир таржимон Иброҳим Фафуров китобдаги шеърларни баланд руҳда эътироф этганини айтмайсизми! Тақдирот қизгин, ёруғ сўзларга тўла кечганлиги қуллогим остида жаранглаб туради. Ўшанда Одил Ҳотамнинг кексайган юз-кўзлари офтобдек чарақлаганини кўриб, ич-ичимга нур ёқилган эди. Шу ўчмас нур ҳар сафар “Хирмон”ни кўлимга олиб, шоирдан мангуа биз учун туҳфа бўлиб қолган шеърларини қайта-қайта ўқишга ундаса ажаб эмас...



Яхши шеърий китобни руҳиятингизга сингдириб ўқисиз, албатта.

Одил Ҳотам ижоди бадий жиҳатдан машур шоирлар тоифасидан. Унинг шеърияти жаҳон адабиётидан сув ичган. Хусусан, қадимий Хитой пейзаж шеърияти ёхуд Япон мумтоз шеъриятида йил фасллари манзараси гўзаллиги, реалистий қаторида, ўқувчиға фалсафий фикр ёхуд дард-изтиробини аён этади. Бундай шеърлар куруқ риторикадан кўра, рамз, образ ва ранглари билан ўқувчини терапик сари ундайди.

Одил Ҳотам табиат зврилишлари, фасл манзаралари ва ҳолатини сўз ранглари орқали чизаркан, образлар яратиб, юрагини очади: **Ранелар жимгина қалтирайди, Мўъжизалар остонасида. Яшин булутларни аврайди, Қалдиروقлар кошонасида...** Яна бир манзара шеърға нигоҳ ташласак:

Қалдирғочлар кетар билдирмай, Турналар ҳам... Ҳорғин ва мунгли. Ошиқларни асло бездирмай, Нени кўмсар дарахтлар кўнгли...

Ҳозиргача кўп шоирлар ижодини кузатганимизда, ёз фаслидан кўра, баҳор ва куз кўпроқ илҳом бахш этганига амин бўлганимиз. Одил Ҳотам “Сайланма”сида ҳам кўпроқ шу икки фасл – баҳор ва куз манзаралари шеърға айланган.

Китобдаги эллиқдан ошиқ шеърларда турналар образи сатрларга сингган. Турналар туғилиш, ёшариш, зугулиқ ва соғинч туйғуларини олиб кирган шеърға. Шоирнинг ўзи ҳам шеъриятимиз осмониди “турналардай учмоқ қасдида” ижод этди...

Бунинг ёрқин далили унинг аjoyиб шеърларидир.

Марказда Темурийлар даври мероси намойиш этилади

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази “Иккинчи Ренессанс” экспозициясида Темурий шаҳзодаларнинг илм-фан, маданият ва санъатга қўшган ҳиссаси кенг ёритилади. Экспозициянинг муҳим жиҳатларидан бири Амир Темури ва унинг авлодлари ҳомийлигида яратилган ноёб қўлёзма асарларни тақдим этишдан иборат.



Жумладан, Темурий шаҳзода Пирмуҳаммад ташаббуси билан 1397-1398 йилларда кўчирилган икки жиҳда қўлёзма катта тарихий аҳамиятга эга. Унинг биринчи қисми – машҳур шоир Абулқосим Фирдавсий қаламига мансуб “Шоҳнома” асари бўлиб, бутунги кунда Дублин шаҳридаги Честер Битти кутубхонасида сақланмоқда. Қўлёзманинг иккинчи жиҳдида XI-XV асрларга оид “Гаршаспнома”, “Шоҳаншоҳнома”, “Баҳманнома” ва “Қушнома” дostonлари жой олган бўлиб, ушбу нодир асар Британия кутубхонасидан ўрин олган.

Ислом цивилизацияси маркази мазкур ноёб меросни ўрганиш ва кенг жамоатчиликка таништириш мақсадида ушбу қўлёзмаларнинг факсимиле нусхасини тайёрлашни режалаштирмоқда. Шунингдек, уларнинг электрон версиялари ҳам яратилган ҳолда марказ кутубхона фондига киритилиши кўзда тутилган.

Суратда: Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари саҳифаси

Шаҳзода кўчирган Қуръон нусхаси Ўзбекистонга қайтади

Темурийлар даврида илм-фан ва санъат тараққиётига катта ҳисса қўшган Иброҳим Султон қўли билан кўчирилган ноёб Қуръон нусхаси бўйича илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Ҳозирда ушбу тарихий қўлёзманинг бир неча нусхаси Эрон ва бошқа халқаро фондларда сақланаётгани маълум.



Манбаларга кўра, 1423 йилда сулс хатида кўчирилган бир нусха Остони Қудси Ризавий кутубхонасида, яна бир нусха эса 1937 йлгача Шероздаги “Қуръон дарвозаси”да сақланиб, кейинчалик Порс музейига ўтказилган. Ушбу икки жиҳда қўлёзма ўзининг бадий жиҳатдан нафислиги ва безаклари билан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари, Иброҳим Султон томонидан кўчирилган яна бир нусха Метрополитен музейида сақланаётгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Қуръон қўлёзмаларининг юксак хаттотлик санъати билан кўчирилгани, зарғалдоқ ва олтин безаклар билан ёзилгани олимлар диққат марказида. Айни пайтда ушбу ноёб асарнинг факсимиле нусхаси тайёрланимоқда ва келгусида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази экспозициясида намойиш этилиши режалаштирилган. Бу борада тадқиқот ишларини филология фанлари доктори Афтондил Эркинов олиб бормоқда.

Ислом цивилизацияси маркази Ахборот хизмати

РУҲ ОЗУҚАСИ

Илми Ҳақ таоло инсон руҳининг озуқаси қилиб берган. У зийда бўлган сари иймон бақувватлашиб, ўз эгасига улкан яхшиликлар олиб келади.

Илми фақат сабр ва ўқш билан ўрганиш мумкин.

Илми билан Аллоҳ ризосини истаган кишига Роббим юзини қаратади ва марҳаматини аямайди. Илми тунлари ўрганинг.

Чунки кундузи қалб дунё ташвишлари билан беҳаловат бўлади. Тун сокин бўлгани учун кўп нарсга ўрганасиз...

Ҳаётингизнинг ҳар бир кунини сиз учун дарсдир...



“Ўйна ва бой бўл!”: ОНЛАЙН ҚИМОР НЕГА ОММАЛАШЯПТИ?

Инсон табиатида осон ва тез бойиш, бир зумда омадли ва муваффақиятли кишига айланиш истаги ҳамиша кучли бўлади. Бу хоҳиш бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ – у минг йиллар давомида кишиларни васвасага солган, шохларнинг тахдан кулашига, тижоратчиларнинг мол-дунёсидан айрилишига, ҳатто оддий инсонларнинг ҳаётида ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлган. Бироқ бу иллат бугунги кунда илгари ҳеч қачон бўлмаган даражада оммавий ва жиддий муаммага айланмоқда. Сабаби – онлайн тотализаторлар, кимор ва спорт гаровлари орқали пул ишлаш иллюзияси, яъни саробга алданиш авж олди.

Эсингиздами, “Олтин балиқ”ни қанчалик завқ ва ўзгача ҳаяжон билан тинглаганимиз?! Ёшлигимизда бу эртак мўъжизавий ҳикоядай туюларди:

камбағал қария балиқ тутати, у эса сеҳрли бўлиб чиқади ва 3 тиланини бажо келтиришини ваъда қилади. Аммо балиқчининг “чилласида чирок кўрмаган” кампири кенг хўжаликка эга уйга бекач, сарой маликаси бўлишни истади, сўнгра бутун деңгизга ҳукмронлик қилишни. Аммо яқин маълум – очкўзлик ҳамма нарсадан айирди. Ҳа, бу эртак. Лекин ҳаётда ҳам шунга ўхшаш воқеалар ҳар кунни такрорланяпти. Фарқ фақат битта – бугунги “олтин балиқ” бу тотализаторлар, кимор ўйинлари ва спорт гаровлари. Уларнинг энг кучли қуроли эса инсон рухиятини чуқур ўрганиб, уни ишонтириш ва ўз домига тортишга қаратилган маркетинг ва психологик таъсир усуллари. Айни мақолада мавзу доирасидаги ўрганиш ҳамда таҳлилларимиз ўрин олган.

**Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ,
“Адолат” СДП Марказий аппарати
етакчи мутахассиси**

**“ОДАМЛАР ЮТЯПТИ-КУ,
НАХОТ УДДАЛАМАСАМ?!”**

“Шунчаки ўйнаб кўраман”, “Одамлар пул ютяти-ку, мен ҳам бир ури-ниб кўрай, балки омад кулиб боқар?!.” – бу каби фикрлар бугунги кунда кўпчиликини онлайн кимор сари етакламоқда. Аммо воқеалар ривожини кутилгандан анча фарқли тус олади: дастлаб кичик миқдорда пул тикиш, илк депозит учун бир неча баробар кўпроқ ютуқ, сўнг омадсизлик, кейин эса йўқотилган маблағни қайтариш учун қўшимча гаров... Натижада молиявий қийинчилик, руҳий босим, ечимсиз муаммоларга рўбарў келиш.

Онлайн кимор ва тотализатор ўйинлари бугун шунчаки вақтни ўтказиш воситаси эмас, балки жамият учун ўта жиддий хавфга айланиб бормоқда. Ижтимоий тармоқларда эса реклама кампанияси қизигандан-қизиган. Табиийки, машаққатсиз, мўмай даромад топиш, киприк қоққанчалик вақтда улар айтгандек “миллионерга айланиш” юзлаб, балки минглаб инсонларга мойдек ёқаяпти. Хўш, бу биз учун қанчалик манфаатли? Хавфли вазвасанинг қутилган оқибатлари нима учун мавзу “қаҳрамонлари”, қўйингли, уларнинг яқинларини сергакликка ундамаяпти? Даставвал шу бўйича фикрлашамиз.

**БИР ҚАРАГАНДА,
БАРЧАСИ ЎЗИГА ХОС...**

Чет эл кинолари орқали кимор ўйинлари махсус казино ва тотализатор залларида ўтказилишига амин бўлганмиз. Киноленталардаги бундай намоёйишларда мазкур масканларга бориш катта жасорат талаб қиладиган, кимор ўйнаш жамиятда катта муҳокама-ларга сабаб бўладиган иллат сифатида кўринади. Аммо интернет технологиялари тараққиёти билан кимор ўйинлари ёпиқ заллардан чиқиб, қўлимиздаги смартфон орқали хонадонларга ҳам кириб келди. Чойхона, гап-гаштак, дўстлар билан суҳбатга йиғилган одам борки, ҳеч курса бери-икки маротаба спорт ўйинларидаги тахминий ҳисоб, “ставка” можароси, синовдан ўтган ёки ўтмаган “фиш-ка”лар муҳокамасига дуч келади.

Йиғилган орасида спорт гаровлари, хотин-қизлар ўртасида казино ва лотерея кўринишидаги тавақал-чиликка асосланган ўйинлар бозори чаққон. Энди онлайн кимор ва тотализаторлар фақат “бахт синовини” эмас, балки кенг қамровли долзарб масалалар қаторида. Сўнгги йилларда он-лайн тотализатор ва кимор ўйинлари аудиторияси кескин ошди. Статис-

Тафаккур

- ✓ Қийналиб турган вақтингда гапирма, чунки ўзинг хохламаган сирларни очиб қўйишинг мумкин.
- ✓ Газабланган пайтингда гапирма, чунки айтган гапларинг ўз хоҳишингга зид бўлиши мумкин.
- ✓ Хафалик чоғингда гапирма, чунки одамлар сенга ачиниб қарашлари мумкин.
- ✓ Хурсанд бўлган пайтингда гапирма, чунки ёлгон ваъдалар бериб қўйиб, келажакда бажаролмай бошқаларнинг кўнглини огритиб қўйишинг мумкин.
- ✓ Фақатгина ўзингга нима гапириш ва нима гапир-маслик кераклигини назорат қилган пайтингдагина гапир.

- ✓ Газаб пайтида гапирма, акс холда бутун умр пушаймон бўлиб юрадиган гапларни айтиб қўйишинг мумкин.
- ✓ Агар ушбу қоидаларга амал қила олмасанг, ўзингни гапирмасликка ва сукут қилишга одатлантир.
- ✓ Мулоим сўзлар қаттиқ сўзларни енгади.
- ✓ Йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ одамни синама.
- ✓ Мағлуб одам табассум қилса, ғолиб ғалаба завқини йўқотлади.
- ✓ Ҳақиқий хуррият жаҳолат тугаган жойдан бошла-нади. Жохилга хуррият бериш, жиннига тиг бериш билан баробар.

каби йўналишлардаги билимлар кўпчи-ликда мақтагулик эмас.

2. Рақамли технологиялар ривожини

Смартфонлар ва интернет алоқаси кенг тарқалиши кимор ўйинларини ҳам жуда осон ва кенг оммалаштирди. Бугун ҳар бир инсон телефон орқали бир неча дақиқада кимор ўйинига ки-риб, депозит қўя олади. Интернетдаги махсус сайтлар ва иловалар инсонни ҳар тарафлама мазкур форматдаги ўйинларда жуда бўлмаганда бир ма-ротаба бўлса ҳам ўйнашга ундайди. Интернетда бу соҳага доир реклама шу қадар кўпайдики, ижтимоий тар-моқларда “бир зумда бой бўлиш” ваъ-далари билан одамларни ўзига жалб қилувчи каналлар, гуруҳлар сони ор-тиб кетди. Аммо ҳақиқат шуки, бу “ўйин” фақат битта томонни – тотали-затор эгалари ва кимор бизнеси ва-киллари бойитмоқда.

3. Блогерлар ва инфлюенсерлар таъсири

Кўплаб машҳур блогерлар ва ин-флюенсерлар ўз каналларида он-лайн кимор ўйинларини реклама қи-лади. Улар катта маблағ ютиш им-конияти ҳақида гапириб, одамларни ишонтиришади. Аммо улар шу нарс-ани айтишмайдики, бу реклама эва-зига катта ҳақ олишади ва уларнинг муваффақияти – платформа орқали ташкиллаштирилган рекламавий ҳара-катлардир. Оқибатда оддий инсонлар бу васвасаларга ишониб, ўз маблағла-рини хавф остига қўя бошлади.

ТИЗИМ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Бугунги кунда кўплаб ноқонуний тотализатор тизимлари хориждаги ноқонуний кимор синдикатлари то-монидан бошқарилади. Улар Ўзбе-кистонда расман фаолият юрита ол-майди, лекин интернет орқали бе-малол ишлаяпти. Бундай тизимлар учун махсус “қўллаб-қувватлаш гуруҳлари” ташкил қилинади. Ушбу гуруҳларнинг асосий мақсади – янги фойдалану-вчиларни иложи борица узоқроқ ушлаб қолиш, уларни янада кўпроқ пул ти-кишга ундаш. Таҳлилларга кўра, бун-дай тизимларда дастлабки босқичда фойдаланувчиларга кичик миқдорда қўлланма берилади. Бу одам-нинг онгида “мен омадлиман”, деган фикрни шакллантиради. Аммо кейин гаровлар ошгани сари йўқотиш эҳти-моли ҳам кескин ортади.

Спорт тотализаторлари – энг ом-малашган кимор турларидан бири. Кўпчилик буни оддий гаров деб би-лади, аммо аслида бу назорат ости-даги бизнес. Алгоритмлар шундай ишлайдики, дастлаб ўйинчилар ютиб, тотализаторга боғланади, кейин эса аста-секин ютқазиб механизми ишга тушади. Бунини шунчаки тасодиқий жараён деб ўйлайсизми? Йўқ. Ик-кинчи босқичда йўқотиш бошланган-дан сўнг “қайтариб олиш” эффекти ишлай бошлайди: инсон миёси йўқо-тилган пулни қайта тиклашга ҳаракат қилади, чунки унинг аввалги ютуқ таж-

рибаси бор. У киморга яна ва яна пул тикади. Охир-оқибат, фойдаланувчи кўпроқ йўқотади ва гаровларни оши-ришга ўтади. Бу эса унинг молиявий ҳолатини янада ёмонлаштиради.

**ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ,
ЖИНОЯТ ВА ЯҚКАЛАНИШ**

– Кимор ўйинлари инсон ми-ясида кучли заъф гормони – допамин ишлаб чиқаради, – дейди психолог **Мухлиса Абдукомиллова**. – Бундай заъфланишдан кейин одам яна ва яна ўйнамоқчи бўлади. Муаммо шундаки, йўқотишлар ортгани сари ўйинчи асабийлашади, стресс остида қо-лади ва пул ютиш орқали муаммо-ларини ҳал қилишга ҳаракат қи-лади. Натижада ўзининг молиявий ва ижтимоий ҳаётини издан чиқар-ади. Киморга берилган инсон ои-ласи, яқинларига эътиборини йўқо-тади. Бу оилавий муносабатларда зиддиятларга сабаб бўлади. Кимор ўйинига кўп вақт ва маблағ сарфлаш оилавий муҳитга ёмон таъсир кўр-сатади. Ижтимоий алоқалар сўна бошлайди, инсон атрофидаги одам-лардан узоқлашади.

Гап фақат бунда эмас. Аксарият ўйинчилар эҳтиمول ва статистика, молиявий анализ ва огоҳлик тушун-чаларидан йироқ. Улар учун ҳамма нарс “тақдир”, “омад”, “насиба”га боғ-лиқ. Яқун кўп ҳолда жонига қасд қилиш, жиноятга мойиллик ва жамият учун хавфли шахс даражасига айланишга чориши мумкин. Афсуски, бу борадаги ташвишли хабарларга оммавий ахбо-рот воситаларида кунда-кунора дуч келамиз. Хусусан, поёнига етган 2024 йилдаги статистикага назар ташла-сак, Андижон вилоятида онлайн савдо платформасида пул ютқазиб қўйган 28 ёшли аёл, Самарқандда 18 ёшли ўсмир йигит, Фарғонадаги университет ходими... Давом эттирсак, кўп. Бунга гу-воҳ бўлганлар эса унданда кўп.

– Бошлангичи жуда оддий эди, – дейди **собиқ ўйинчи 27 ёшли Но-дир**. – Аввалига дўстим бир-икки ўйнаб кўр, осон пул топасан, деб маслаҳат берди. Биринчи марта тик-кан 100 минг сўмидан 300 минг сўм ютиб олдим. Балки бу мен учун омадли бўлса керак, деб ўйладим ва яна ўйнай бошладим. Лекин ютуқ фақат бошида эди. Кейинчалик қанча ютқазганимни ўзим ҳам бил-май қолдим. Кредит олдим, қарзга ботдим, дўстларимдан қарз олдим. Хуллас, охири хонавайрон бўлдим... Энди бундай ўйинларга яқинлаш-майман...

Хулоса шуки, инсон бу дунёда жонбозлик ва меҳнат орқали бойийди. Асло ҳар хил мўъжизавий молиявий алгоритмлар орқали осон йўл билан эмас. Динимизда қораланган кимор ва тотализаторлар эса айнан шундай осон бойиш ҳаёлини сингдириб, инсонни ҳалокатга етаклайди. “Ўзинг ўйнадингми? Ўзинг ютқаздинг!” – кимор бизнесининг асосий шiori айнан шундай. Аслида энг катта ғалаба – ўйнамасликдир. Хўш, сиз-чи? Бир нечта тугмани босиш эвазига ўз ҳаётингизни издан чиқаришга рози бўлармидингиз?..



Ўзбекистонда расман фаолият юрита олмайди, лекин интернет орқали бемалол ишлаяпти.

Бундай тизимлар учун махсус “қўллаб-қувватлаш гуруҳлари” ташкил қилинади. Ушбу гуруҳлар-нинг асосий мақсади – янги фойдала-нувчиларни иложи борица узоқроқ ушлаб қолиш, уларни янада кўпроқ пул тикишга ундаш. Таҳлилчиларга кўра, бундай тизимларда дастлабки босқичда фойдаланувчиларга кичик миқдорда ютиш имконияти берилади. Бу одамнинг онгида “мен омадлиман”, деган фикрни шакллантиради. Аммо кейин гаровлар ошгани сари йўқотиш эҳтимоли ҳам кескин ортади.

**“БУГУН ОНЛАЙН ҚИМОРДАН
ЮТҚАЗАНЛАР ЎЗИНИ
ПОЕЗДНИНГ ТАГИГА
ТАШЛАЙДИГАН КУН”**

Шу ўринда ажабланарли ҳолат. Таҳлилларга кўра, Шаркий Осиё мам-лакатларида (Хитой, Япония, Корея, Сингапур, Тайван, Гонконг) кимор ўйинларига қарамлик алкоголизм ва гиёҳвандлик билан тенг касаллик си-фатида баҳоланаркан. Бу борада жа-моатчилик фаоли Баҳодир Исканда-ров ўз шахсий саҳифасида Япония мисолидаги вазиятни таҳлил қилган:

“Ишдан қайтаётганимизда, бир япон: “Ўйга қайтишда поездда эҳтиёт бўлинглар. Бугун онлайн ўйиндан ютқазганлар ўзини поезд-нинг тағига ташлайдиган кун”, деб биз билан хайрлашди. Бу гапни жуда кўп япондан эшитганман. Бу гап шунчалик оммалашганки, худди бизда: “Шанба кунни талабалар уй-ларига қайтишади. Йўллар тирбанд бўлади”, деандек оддий гап. Ўзини ўлдирайдиганлар кунни, деб ҳазилла-шиб ҳам гапиришади. Яқинда метро ходимларининг биридан шу гап ҳақида сўраб кўрдим. У “ҳақиқатда, пайшанба-жума кунлари қиморвоз-лар ўзини ўлдиришлари бор гап. Шу кунлари биз эҳтиёткорроқ бўламиз”, деди...

– Кимор, йўқ нарсасига пул тикиш, осон жойдан пул топиш деган нарсалар ҳар қайси миллатда, ҳар қайси давлатда, ҳар қайси жамиятда одам-ларни хонавайрон қилиш устига қури-лади. Миллиондан бир фоз ютиш имконияти бор саров нарсасига ишон-мане! Японияга ўхшаган иқтисодий қудратли, иқтисодий билим дара-жаси баланд мамлакатларда одам-ларни хонавайрон қилмоқдами, бизда бундан мине чандон оғрикли асорат-лар қолдиради, – дейди ёш журна-лист Ақром.

Хўш, бизда бу офатга қарши ку-рашиш учун қандай самарали меха-низмлар тақлиф этилмоқда?

Ўзбекистонда кимор ўйинлари расман тақиқланган, аммо интер-нетда юзлаб яширин сайтлар бор. Хукумат бундай сайтларга қарши чоралар кўрмоқда, лекин муаммо тўлиқ ҳал қилинмаган. Бунинг ол-дини олишда ҳар биримиз бирла-шишимиз, уларни реклама қила-ётган блогер ва таниқли шахслар ҳақида тегишли жойларга муурожаат қилишимиз керак. Шунингдек, қи-мор ўйинларининг салбий оқибат-лари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш лозим. Мактаб ва олий таълим муассасаларида ёшларни енгил пул иллюзиясидан огоҳлантириш, уларга сармоя кири-тиш ва даромадни тўғри тақсимлаш бўйича билим бериш зарур. Одам-ларга кимор ўйинларининг ортидаги реал хавф ҳақида тўлиқ маълумот бериш, киморга қарам бўлган инсон-лар учун махсус реабилитация мар-казлари ташкил этиб, уларнинг фа-олиятини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Бош муҳаррир: Исроҳ ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

**НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100**

**Газета 1995 йил 22 февралдан
чика бошлаган**

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдугани Содиқов



Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарк тоғи” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 202

Адади – 2 021
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топшириш – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!